



Мир Алишер Навоийнинг ажиб байтларини шу пайтга қадар ҳамма ҳар хил тушуниб келган. Шу боис, собик иттифок даврида ҳам бобомиз томонидан қолган меросларни тузумлаштириб олганлар бўлди.

Хатто «Келмади» деб номланмиш машҳур газални ҳам ўша пайтнинг юксак севгиси тариқасида талқин этишди. Навоий даврида йигит ва киз ўртасидаги муҳаббат илохий даражага кўтарилган, деб иддао қиладиганлар ҳали ҳам орамизда топилади. Аммо минг таассуфки, аслида Мир Алишер Навоийнинг байтларида умуман бошқа маънолар акс этган эди. Ҳозир биз собик иттифок даврида «ёр севгиси» деб таърифланган «Келмади» газалини тасаввуфий руҳда шарҳлашга урилиб кўрамиз.

**Кеча келгумдур дебон Ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг Отгунча уйку келмади.**

Ўзингиз ўйлаб кўринг, Навоий яшаган даврда бир киз ҳозиргидек йигитнинг кўзига тик қараганмикан? Ёки ҳаё ва андишали замон вақилаларининг «севгилиси»га қарата: Кечкурун келаман, мени қутинг» дейишига ишонасизми? Йўқ, Навоий бобомиз бу ерда йигит ҳамда киз ўртасидаг ишқий муносабат ҳақида гапирмаяптилар. «Ул сарви гулрў» аслида биз тушунаётгандек маъшуқа эмас, балки тунда уйқуларни ҳам бузиб юборадиган КЎЗ ЁШдир. Ҳа, кўз ёш. Навоий хаддан ташқари ҳассо инсон бўлгани боис, ҳар бир мисраларида Аллоҳга бўлган муҳаббатни изҳор қиладилар. Яратганга бўлган чексиз қуллик ул зотни қўлга қалам олишга мажбур айлаган. Шу боис, «Кеча келгумдур» деб ваъда қилган кўз ёшни, Аллоҳ учун сажда пайтида тўқиладиган кўз ёшни тунги ибодатлари даврида қутганликларини айтадилар. Аммо инсон ҳар доим ҳам йиглай олмайди, ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган, қоп-қоронгу кечада биргина гофил бўлмаган Зот - Аллоҳ учун йигламалик бахтини ҳақиқий солих инсонлар тушуниб етадилар. Алишер

Навоий шундай инсон бўлгани тугайли хам, Аллох таоло учун йигламаликни «сарви гулрў» деб атамоқдалар. Аммо... одамлар учун риё киладиган инсонларнинг калби котиб кетади, ҳеч ким кўриши мумкин бўлмаган тунги кечада йиглолмай қолади экан. Шундай надоматни одамларга эслатиш ниятида Навоий «хар кеча келаман, деб ваъда айлаб, ул сарви гулрў келмади» демоқдалар. Ўзгалнинг давомида ундан-да хайратлари сатрлар оқиб келади: Тонг отгунга қадар Уни кутдим, аммо Унинг келмагани сабабли кўзларимга уйку хам келмади!

**Лахза-лахза чикдим-у, Чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзимга-ву, Ул шўхи бадхў келмади.**

Хар лахзада уни, яъни ҳеч ким кўриши мумкин бўлмаган қоп-қоронгу кечада кўзимдан тинмасдан оқадиган кўз ёшни кутдим, кутишим асносида унинг йўлига кўзларимни интизор қададим. Хатто жон халқумдан ўтиб, оғзимга хам келди, аммо ул ёмон феъллик маъшуқам келмади. Ёмон феъллик маъшуқа- кўз ёш мени алдаб кетди, агар у яна бир неча кун келмаса, менинг дунёда яшамақликдан маъним хам қолмайди.

**Оразидек ойдин эркан-да, Гар етти эҳтиёт
Рўзгоримдек хам ўлгонда қоронгу келмади.**

Факат Аллох учун холис тўкиладиган кўз ёшни жуда кутдим, аммо унинг келмаслиги тобора ойдинлашиб борарди. Хаттоки, унинг юзини эслагим келади, «Оразидек ойдин эркан-да» деб кечани ёритувчи юзини эслаб ўтади тунларим. Худди рўзгорим, тирикчилигим сингари уни қундузлари кўриб қоламан, негадир у қоронгу кечада қолмайди.

**Ул париваш хажриниким, Йигладим девонавор,
Қимса бормуқим анча Қўргонда қулгу келмади.**

Энди мен кўз ёшларимни париваш деб номлаяпман, мен уни жуда соғиндим, негадир у мени узок-узокларга ташлаб кетгандек туюлмоқда. Унинг хажрида девоналарга ўхшаб йигладим, аслида Аллох учун тўкишим керак бўлган кўз ёшимни соғиниб йигладим, бундок йигламақликдан Аллохнинг Ўзи асрасин. Кўз ёшини соғиниб йиглаётган кишини қўрганлар бу ҳолнинг моҳиятини тушуниб қолиб, хатто қулишмади хам. Менинг

девонавор йиглаётганлигимни кўриб ул бечораларнинг юзларига кулгу келмади.

**Кўзларингдан неча су келгай, Деб ўттирманг мени,
Ким бори конерди келган Бу кеча су келмади.**

Тўгри, кўзларимдан кўз ёш, сув оккан. Аммо Аллох учун йигламаклик хакикий обидлар учун насиб этади экан. Мени маломат килаверманг «кўзингдан кўп сув оккан» деб. Бу кеча Аллох учун бир йиглай деб эдим, кўзларимга умуман сув келмади. Накадар дахшат!

**Толиби содик топилмас, Йўксаким кўйди кадам,
Йўлгаким, аввалкандам Маъшуки ўтру келмади.**

Мен барибир кўз ёшларимни топиш учун сафарга чикаман. Ул сафар муборак бўлади. Кўз ёшларимни топишга уринаман. Бу йўлда устоз топаман, унинг хар бир топширигини бажараман. Хатто бу йўлда менга толиби содик топилмасада, маъшукимни топиш учун йўлга чикаман.

**Эй Навоий, бода бирла Хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учун ким, бода келган Уйга кайгу келмади.**

Бода сўзи классикада «Аллохга бўлган мухаббат» деган маънода ишлатилади. Шунинг учун хам газалларнинг аксариди шу сўзни ўкисак, уни мажозий маънода тушунишимиз керак. Навоий хазратларига ўзларига ўзлари мурожаат айлаб: Эй Навоий, Аллохга бўлган ибодатингни кучайтиравер, зеро, бу амал билан хар кандай уйни гўзал айламок мумкин. Хакикий мухаббат кирган уйларга хеч қачон кайгу келмади. Айнан шу жихат билан «ул сарви гулрў»ни уйга таклиф айламакнинг йўли бордир. Навоийнинг хитоби охирлаганда, газалдан олинадиган фойдаларни хам келтириб ўтамиз:

Инсон тунги ибодатида йигламакликни талаб этсин. Кўзлари ёшланмаса, кўзлари ёшланмаётгандан йигласин. +алби котиб кетганидан йигласин. Хамма нарса учун ёшланган кўзлари бутун оламларни яратган Зот учун ёш тўка олмаганидан йигласин. Бошка ёшларни эмас, балки Аллох учун йиглаган кўз ёшини «сарви гулрў», «маъшуки ўтру», «шўхи бадхў» сингари эъзозласин, уни суйсин ва ана шу учун хам йигласин.

Чунки Аллох таоло куръони каримда ўз бандаларига «намоз ўкинглар» деб эмас, балки намозни барпо килинглари, деб амр этган. Яъни, инсон намозни шундок ўкиб кўйиши эмас,

балки ихлос билан барпо килмоги, курмоги лозим. Шундагина намоз Аллох таолонинг хузурида хусни макбул бўлади.

Аллох таоло Ўзи учун тўкилган бир катра ёш хурмати бандасини дўзахдан озод этади. Бу ҳақда муборак хадислар ворид бўлган. Шундай экан, келинг, Жаноби Хакка йиглайлик, факат Унинг Ўзигагина муножот айлайлик. Навоийнинг газалидан илхом олиб ёзилган сатрларни ўкиб, Мир Алишер бобомизнинг рухларига хайри дуо килайлик.